Унинг сўзларига кўра ҳозирги вақтда республикадан ташқарида 1,5 миллиондан ортиқ Тожикистон фуқаролари ишлаётган бўлиб, улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида етарли даражада маълумотга эга эмаслар.

"Мамлакатда 30 дан ортиқ фуқароларимизни хорижда ишга жойлаштириш агентликлари фаолият юритаётганлигига қарамай, кетаётганлардан кўпчилиги ишга жойлашишга бирор бир кафолатсиз ва мувофиқ тайёргарликсиз аҳволдадир ",-дея палата спикери Шукуржон Зухуровнинг сўзларини келтиради Султанов.

"Ноқонуний муҳожирларнинг фоизи жудаям юқори. Рус тилини ва Россия қонунчилиги асосларини билмаслик ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда",-дея диққатни қаратади депутат Зуҳуров. Республика ҳукумати томонидан меҳнат муҳожирларига кўмаклашиш Фондини ташкил этиш ва унинг қошида рус тили курсларини ташкил этиш, маслаҳат ёрдам пункти, хориждаги тожик диаспораси билан алоқалар ўрнатиш бўлимларининг тузилиши шу каби муаммоларнинг қисман ёки анча қисмини ҳал қилишга ёрдам беради",- дея ҳисоблайди тожик парламенти қуйи палатаси спикери.

2013 йилда тожик меҳнат муҳожирлари Россиядан Ватанларига 3,5 миллиард доллардан оляшиқ миқдорида пул ўтказмаларини амалга оширганлар, бу эса Тожикистон ялпи ички маҳсулотининг деярли ярмини ташкил этади.

Расмий баёнот

# Конституция демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолати сифатида

**Ўзбекистондаги Конституция ислоҳотлари давлат ҳокимиятининг бундан кейинги демократлаштирилиши, давлат бошқарувининг қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойиллари муҳим ўрин тутади.**

Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямиз ўтган даврда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини, тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни таъминлаб келаётганини аҳамиятлидир..

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизда у давлат ва халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб берилган. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар қандай демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми шакллантирилди.

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида иккала палатанинг қўшма мажлисида маълум қилинган фуқаролик жамиятини бундан кейинги демократлаштириш ислоҳотларини чуқурлаштириш Концепцияси ушбу жараённи мантиқий давом эттиришни белгилаб берди.

Фото: img.uz

Жумладан, Олий Мажлис қуйи палатасида энг кўп овоз олган сиёсий партия томонидан Бош Вазир номзодини киритишнинг янги тартиби киритилди. Бош Вазирнинг ижрочи ҳокимият органларини шакллантиришдаги ваколатлари кенгайтирилди.

Асосий Қонунга киритилган яна бир ўзгариш- Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллигининг ва шу билан бирга масъулиятининг оширилишидир.

Ундан ташқари, ҳукумат томонидан парламент эътиборига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устивор масалалари бўйича ҳар йили маъруза тайёрлаши кераклиги белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман,шаҳар ҳокимининг вакиллик ҳукумати олдида масъулияти оширилишини белгилаган. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими халқ депутатларининг мувофиқ равишдаги Кенгашига ҳудуднинг энг долзарб ижтимоий-сиёсий масалалари бўйича ҳисобот тайёрлашини белгиловчи меъёр киритилган.

Конституциямиздаги инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши принципининг ҳаётга татбиқ этилишида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар билан бир қаторда суд ҳокимиятининг ҳам муҳим ўрни бор. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ва эркинлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, шу бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинди. Чунончи, судлар ихтисослаштирилди, Конституциявий суд, хўжалик судлари ташкил этилди, умумий юрисдикция судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларга ажратилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилди ва қатор бошқа тадбирлар амалга оширилди. Ўз навбатида, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мослигига доир ишларни кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонун нормаларига шарҳ бериш ҳамда Конституция ва қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилмоқда.

Умумий юрисдикция судлари тизимида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, одил судловнинг самараси ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли равишда рўёбга чиқарилаётир. Масалан, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш натижасида ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди, ярашув институти жорий этилди. Шунингдек, жуда кўп миқдорда давлат мулкини ўзлаштирган судланувчи етказилган зарарни тўлиқ қоплаганда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога тортилиши, жазо тури сифатида судланувчининг мулкини мусодара қилишнинг қонундан чиқарилиши, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши инсонпарварлик принципини янада ривожлантирди. Фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш каби таъсир чораларининг маъмурий тартибда эмас, балки суд тартибида амалга оширилишининг белгиланиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда адолатни таъминлашга қаратилган аҳамиятга молик механизм бўлди.

Прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ҳимоя қилиниши бу борадаги салмоқли ишлардандир.

**Манба: pv.uz**

## Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари- турмушимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Аммо кўпчилигимиз уларнинг муаммоларига худди биз ва улар ёндош оламларда яшайдигандек қарамоқдамиз. Бинобарин, биз- Россия ҳудудида яшовчи жамиятнинг бир қисми эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Магазинларда, транспортда, кўчаларда, кўп қаватли уйларда биз бошқа юрт, бошқа маданият вакиллари билан бирга кун кечирамиз. Улар биз каби тиббий ва ижтимоий таъминотдан фойдаланишяпти, биз каби Россия ички ялпи маҳсулотини шакллантиришда иштирок этишяпти.

Аммо, кўпгина муҳожирлар “ғайриинсоний” шароитларда кун кечирмоқда. Кўпинча улар фирибгарлар ва виждонсиз воситачилар қўлига тушиб қолмоқдалар, уларни иш берувчилар алдаяпти. Бунинг натижасида улар ўта мушкул моддий ва маънавий ҳолатга тушиб қоляптилар. Афсуски, фуқароларнинг ушбу тоифасига беминнат ёрдам берувчи ва хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар бизнинг ҳудудимизда жуда кам.

2012 йилнинг август ойидан бошлаб Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград областида “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди ” нотижорат ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Фонднинг асосий вазифаси- Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлари ва бошқа ижтимоий ҳимояланмаган шахсларга беғараз ёрдам, хусусан, ҳуқуқий ва моддий кўмак беришдан иборатдир. Фонднинг яна муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида, давлат муассасаларида муҳожирлар номидан вакиллик қилиш ва уларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этишдир.

Фондга кўпинча Россия Федерацияси ҳудудида вафот этган муҳожирларнинг қариндошлари мурожаат этишади. Майитни ватанига юбориш учун 50 000 рубл атрофида маблағ керак бўлади. Кўпинча на қариндошларда ва на яқинларида бунча пулни йиғишнинг имкони бўлмайди.Баъзан қариндошларнинг ўзи бўлмайди. Бундай ҳолатларда майитни ватанига жўнатиш учун бизнинг кўнгилли ходимларимиз жума кунлари масжидларга ва қурилишларга бориб, бефарқ бўлмаган инсонлардан керакли бўлган маблағни йиққан вазиятлар кўп бўлади.

Биз Фондимизга молиявий ва ахборот кўмагини аямаётган мурувватли инсонларга: хусусий шахслар ва ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Ҳар бир хайрия эҳсони, ҳоҳ у 100 рубл бўлсин, ҳоҳ у бир миллион рубл бўлсин, катта савоб ишдир. Биз учун исталган кўринишдаги кўмак муҳимдир, чунки биз муҳтожларга бу маблағларни қандай сарфлашни биламиз.

Биз сизларни “Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди ”да кўришдан, сизларга муҳожирларнинг ҳимоясиз қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб беришдан мамнун бўламиз.

**“Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди” хайрия ташкилоти қуйидаги манзилда фаолият юритади: ул. Бабушкина, д.52 ( «Ломоносовская» метро бекати).**

**Тел.: 8 (812) 309-73-06.**

## Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

**Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:**

1. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

- иш ҳақи — ойига 118 400 сўм;
- ёшга доир пенсиялар — ойига 231 575 сўм;
- болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 231 575 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 142 100 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 июлдаги ПФ-4639-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. Каримов**
**Тошкент шаҳри, 2014 йил 21 ноябрь**

Интервью

# Петербургнинг хайрия ташкилотлари-болалар учун

**20 ноябрь куни дунёда Халқаро болалар куни нишонланади. Ушбу байрам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1954 йили таъсис этилган бўлиб, дунё болаларининг қадрдонлашиши ва ўзаро тушуниш байрами сифатида нишонланади ҳамда барча болаларнинг яхши турмуш кечиришларига бағишланган. 21-22 ноябрь кунлари «Доброфорум 3.0» Ёшлар кўнгиллилари форумида лойиҳалари болаларга ғамхўрлик қилишга йўналтирилган хайрия ташклотлари ўз фаолиятларини намойиш этдилар.**

Болалар уйидаги болаларга ёрдам бериш ҳақида "Дунё маликаси-2014" унвони соҳибаси Юлия Ионина сўзлаб берди. 2012 йилнинг декабрь ойида у томонидан "Гўзаллик ва мурувват" (vk.com/krasota_i_miloserdie) хайрия фондига асос солинган бўлиб, ушбу фонд ҳам «Доброфорум 3.0» да иштирок этди. Ушбу фонд Санкт-Петербург ва Ленинград областидаги кам таъминланган болаларга ва болалар уйи тарбияланувчиларига ёрдам беради. Моддий кўмак беришдан ташқари, ушбу фонд етим болаларнинг ижтимоийлашуви билан шуғулланади: пазандалик ва ўзўзига хизмат қилиш бўйича маҳорат дарсларини ўтказади, болаларни маиший техникадан фойдаланишга ўргатади.

«Доброфорум 3.0» нинг яна бир иштирокчиси "Садақа" мусулмонлар хайрия ташкилотидир. "Садақа" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "хайрия, эҳсон" маъносини билдиради. Ташкилотга Санкт-Петербурглик талаба Алибек Алиев асос солган. Бир йилга етиб-етмай у фонд фаолиятини юқори даражага олиб чиқди. "Садақа" фонди-бу мусулмон жамоасининг бир маромли, ташкиллаштирилган фаолияти ва унинг жамият билан узвийлигининг намунасидир. "Савобнинг катта-кичиги бўлмайди. У доим аҳамиятлидир. Унутманг, бахтга эришишнинг энг қисқа йўли- бу савобдир!"

"Вконтакте"даги саҳифада фонд лойиҳаларидан бири- етим болаларга ёрдам бериш лойиҳаси билан танишиш мумкин: vk.com/orphans.

«Доброфорум 3.0» Ёшлар анжумани иштирокчилари саккизта йўналиш бўйича хайрия дастурларини тақдим этдилар: кўнгилли хизмат кўрсатиш, кўнгилли экологик фаолият, кўнгилли ижтимоий фаолият, бошпанасиз жониворлар билан иш, кўнгилли спорт фаолияти, қарияларга кўнгилли ёрдам, донорлик ҳаракати,шаҳар кўнгиллилар фаолиятини қўллаб-қувватлашни ривожлантириш тизимини рўёбга чиқариш. Тадбир ташкилотчиси-Санкт-Петербург ёшлар сиёсати ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқа қилиш Комитетидир. Ушбу Комитет раиси вазифаси бажарувчи Владимир Соколовнинг сўзларига кўра, ўз фаолияти давомида «Доброфорум 3.0» бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилган хайрия фаолиятига хулоса ясаладиган тадбирга айланди.

Болаларга ғамхўрлик қилиш-хайрия фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Болалар хайрия ҳамда кўнгиллилар лойиҳалари Санкт-Петербургда бундан кейин ҳам ривожланиб, бардавом бўлсин. Ахир, боланинг келажаги унинг болалиги қандай кечганлигига ҳам боғлиқ, шундай эмасми!

**islamnews.ru, sadakafund.com, ria.ru сайтлари материалларидан фойдаланилди**

**Елена Флерова**

**Фото: vk.com/dobroforum2014**

**Ҳурматли ота-оналар! "Петербург болалари" СПб ҲЖТ 4 дан 18 ёшгача бўлган болаларни рус тили ва маданияти бўйича бепул дарсларга таклиф қилади.**

**Дарслар шаҳарнинг турли районларида ҳафтасига 1-3 маротаба бўлиб ўтади.**

**8 921 093 88 19**

**рақамларига қўнғироқ қилиб, ёзилишингиз мумкин.**

detipeterburga.ru vk.com/knowyourlanguage

**ФГУП «Паспорт-виза хизмати»**

**Санкт-Петербургда қандай қилиб иш топса бўлади**

Санкт-Петербургда ва Ленинград вилоятларида адолатли иш берувчилардан иш топишни ҳоҳлаган чет эл фуқаролари қўйидаги манзилда жойлашган ФГУП "Паспорт-виза хизмати" га мурожаат этишлари мумкин: Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.

Россия Федерал Миграцион хизматининг давлат муассасаси ходимлари сизларга "Меҳнат Биржаси" да рўйхатдан ўтишингизга, арзон нархларда турар жой топишга, миграцион ҳисобга туришингизга, ишга рухсатнома олишингизга ёрдам беради.

Агарда чет эл фуқароларидан саволлар ва муаммолар пайдо бўладиган бўлса, унда улар ФГУП "Паспорт-виза хизмати" нинг умумий қабулхонала-рига бемалол мурожаат этишлари мумкин.

Телефонлар: **318-01-18**

**«Меҳнат Биржаси» ни хизматларидан қандай фойдаланса бўлади**

Чет эл фуқаролари "Меҳнат Биржаси" нинг маълумотлар базасида қайд этилади ва 1 йил мобайнида хизмат кўрсатилиши тўғрисида шартномани имзолайди. Шартнома тузилаётганда чет эл фуқаросига Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятлари бўйича арзон тарифдаги Сим-карта тақдим этилади.

**қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Санкт-Петербург шаҳри, Красный Текстильщик кўчаси, 15 уй.**

**318-01-18** www.7771000.ru



## “Бағрикенглик” мавзусидаги талабалар ўртасида ўтказилган шаҳар танлови ғолиби аниқланди

25 ноябрь куни Санкт-Петербург Миллаталар уйида 2014 йилда Санкт-Петербургда бағрикенглик муҳитини шакллантириш муаммоларига бағишланган талабалик тадқиқот ишлари танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танлов Санкт-Петербург ҳукумати қарори билан тасдиқланган “Санкт-Петербургда 2011-2015 йилларда элатлараро ва конфессиялараро муносабатни уйғунлаштириш, бағрикенглик маданиятини тарбиялаш Дастури тўғрисида” чора-тадбирлари режасини рўёбга чиқариш доирасида фан ва олий мактаб Комитети томонидан ўтказилди.

Бу йил ушбу танловда Санкт-Петербургнинг 38 та олий ўқув юртларидан 154 талаба иштирок этди. “Социология” номинациясида Технология ва дизайн университети 5 курс талабаси, “Рапсодия” рақс жамоаси раҳбари Сарвиноз Бобожонова ғолиб деб топилди. Унинг “Жамиятдаги этномиллий ва бағрикенглик муаммолари” иши ҳайъат томонидан юксак баҳоланди. Ҳар йили ўтказиладиган мазкур танловнинг бу йилги 36 та ғолиблари пул ва қимматбаҳо совғаларга эга бўлишди.

## “Лиговский проспект” станция метроси 3 декабрь куни очилади

“Лиговский проспект” станция метроси 3 декабрь куни йўловчилар учун очилади. Бунгача станция 1 декабрда очилади, деган хабар берилганди. “Лиговский проспект” станциясини 2014 йил январь ойида ёпишган эди. Ўтган ўн бир ой ичида бу ерда капитал таъмирлаш ишлари ўтказилиб, бу ишларга 142 миллион рубль сарфланган.

Ўтказилган таъмирлаш ишлари станция 1992 йилда очилгандан буён биринчи бора амалга оширилди.

## “Красин” музёрар кемаси Лейтенант Шмидт соҳилбўйига таъмирдан сўнг қайтади

“Красин” музёрар кемаси Лейтенант Шмидт қирғоқбўйи манзилида 27 ноябрь куни турган бўлади. У ўз жойига 20 сентябрь куни бошланган таъмир ишлари ниҳоясига етгандан сўнг қайтмоқда. “Балтинфо” берган хабарга кўра, “Красин” музёрар кемаси завод докидан пайшанба куни соат 9:30 да ўз манзилига йўл олади.

Аввалроқ музёрар ўз жойига 26 ноябрь куни қайтиши режалаштирилган эди, бироқ кўчишни бир кунга қолдиришди. “Муддатнинг бир кунга қолдириши шу билан боғлиқки, порт ўтишга рухсат бермади. Музёрарнинг ўзи сузишга шай ҳолатда ва ўз жойига қайтишга тайёр”,-дея ойдинлик киритди Петербургдаги Дунё океани музейи филиали директори Александр Петров.

“Красин” музёрар кемаси завод докига таъмир учун 20 сентябрь куни йўл олганди. У ерда корпус ишлари олиб борилди. Таъмирлаш ишлари музёрар кеманинг 100 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилди. Музей аввалроқ, 8 сентябрдан ёпилган эди.

## Европа Иттифоқи Қирғизистонга демократияни ривожлантириш учун 184 миллион евро ажратади

25 ноябрь куни Қирғизистон Ташқи Ишлар министри Эрлан Абдылдаев мамлакат президенти Алмазбек Атамбаев билан учрашиб, Бельгия Қироллигининг Брюссель шаҳрига қилган ташрифи якунлари ҳақида сўзлаб берди. Ушбу ташрифи чоғида у навбатдаги, 13 марта ўтказилаётган Қирғизистон ва Европа Иттифоқи ўратсидаги ҳамкорлик Кенгашида иштирок этди. Мажлис доирасида икки томонлама ҳамкорликнинг турли масалалари, шунингдек, президент Алмазбек Атамбаевнинг ўтган йили куз ойида Европа институтларига қилган ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг татбиқ қилинаётганлиги муҳокама этилди.

Европа Иттифоқи Қирғизистонга мамлакатда демократик жараёнларни ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни рўёбга чиқариш мақсадида 2014-2020 йиллар учун 184 миллион евро ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 74 % га кўпдир. Шунингдек, Европа Иттифоқи мамалакатда демократик сайловларнинг ўтиши ва сайлов ислоҳотларининг ўтказилиши учун яна 10 миллион евро ажратади.

Президент Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш мамлакат учун муҳимлигини, бундан буён ҳам турли соҳаларда, шу жумладан, сайлов ислоҳотлари соҳасида ҳам кўшма лойиҳаларни амалга ошириш даркорлигини таъкидлади.

## Ўш шаҳар мэрияси ипотекага 500 дан ортиқ хонадонларни ипотекага беришни режалаштирмоқда

Ўш ва Жалолободни қайта тиклаш Давлат дирекцияси томонидан қурилган уйлардаги хонадонлар ипотека тизимида берилиши режалаштирилмоқда. Эндиликда жанубий пойтахтнинг 500 дан ортиқ аҳолиси тураржой масаласини ҳал қилиш имкониятига эга бўлишади. «Вечерний Бишкек» порталига бу ҳақда 24 ноябрь куни Ўш шаҳри вице-мэри Жапар Ўрмонов хабар қилди.

Дирекциянинг тураржойларни тақсимлаш бўйича сўнгги йиғилишида комиссия тураржойларни бериш тартибини ишлаб чиқишни таклиф этди. Энди мэрияда ипотекани кредитлаш бўйича махсус комиссия фаолиятини йўлга қўйишни мўлжаллашмоқда.

Агар ушбу таклиф ҳукумат томонидан қўллаб-кувватланса, 500 дан ортиқ фуқаролар фоизсиз ипотека тарзида тураржойга эга бўлишлари мумкин бўлади. Шаҳарликларнинг тўловлари ҳисобига фонд тузилиб, янги уй-жойлар қурила бошлайди, яъни доимий тизим йўлга қўйилади.

Ўрмонов ҳозирда беш мингдан ортиқ фуқаро уй-жой олиш учун навбатда турганини маълум қилди.

Бунгача дирекция томонидан қуриб битказилган 772 та уй тақсимлаб берилган эди. Тураржой департаменти маълумотларига қараганда яна 620 хонадон эгасиз турибди.Ўтган ҳафтада комиссия 2010 йил воқеаларнинг яна ўнлаб жабрдийдаларига тураржой беришга қарор қилди.

## М. Убайдуллоев Россия Федерациясига ташриф буюради

Тожикистон Республикаси парламенти раиси Махмадсаид Убайдуллоев бошчилигидаги делегация 26 ноябрь куни Санкт-Петербург шаҳрига ташриф буюрди.

Мамлакат парламенти юқори палатаси раиси ёрдамчиси Шавкат Саидовнинг сўзларига кўра, Тожикистон парламенти делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кенгаши йиғилишида ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеясининг 41-пленар сессияси ишида иштирок этади, шунингдек МДҲ Парламентлараро ассамблеяси доимий комиссияси ишида, Коллектив Хавфсизлик Ташкилоти тадбирларида ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи Парламентлараро ассамблеяси тадбирларида қатнашади.

## Муҳожирларга қонунчиликдаги янги ўзгартиришлар ҳақида сўзлашади

Тожикистон Республкаси Меҳнат, миграция ва аҳоли бандлиги Министрлигининг Россия Федерациясидаги ваколатхонаси ходими 25 ноябрь куни Хабаровск шаҳрида Евроосиё қурилиш холдинг компаниясида ишлаётган тожикистонлик меҳнат муҳожирлари билан учрашди.

Бригадир Наврузшох Хушоқовнинг сўзларига қараганда, ҳозирги дамда компанияда 150 дан ортиқ тожикистонлик меҳнат муҳожирлари ишлашади ва улар федерал миграция қонунчилигидаги янги тартиблардан хабардор этилдилар.

Шу нарса таъкидландики, Россия Федерациясидаги Тожикистоннинг элчихонаси ва консуллик хизматлари томонидан тожикистонликларнинг янги биометрик паспорт олишлари учун эҳтиёжлари эътиборга олиниб, барча имкониятлар ишга солинмоқда.

“Ховар” Ахборот Агентлигига Тожикистоннинг Россия Федерациясидаги Миграция хизмати ваколатхонаси матбуот котиби Иброҳим Аҳмадовнинг сўзларига кўра, худди шундай учрашув Самара шаҳрининг “Кировский” бозорида ҳам тожикистонлик меҳнат муҳожирлари билан ўтказилди.

## Душанбеда гиёҳванд моддаларга қарши курашиш миллий стратегияси муҳокама этилди

21 ноябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги гиёҳванд моддалар назорати Агентлигида гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилишни олдини олиш Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш ишида Тожикистон Премьер-министри ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш раиси Марҳабо Жабборий, Тожикистон Президенти Ижрочи аппаратига қарашли тузилмалар вакиллари,соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат, миграция ва аҳоли бандлиги, таълим ва фан, маданият, иқтисодий тараққиёт ва савдо министрликлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда “2013-2020 йилларга мўлжалланган “Тожикистон Республикасида наркотик моддалар ноқонуний айланмасига қарши курашиш Миллий стратегияси”нинг мамлакат область, шаҳар ва районлар Мувофиқлаштирувчи кенгашларидаги ижроси таҳлил этилди.

Ундан ташқари, йиғилиш иштирокчилари эътиборига “Тожикистон Республикасида гиёҳвандликнинг тарқалишини олдини олиш ва 2013-2017 йилларда наркологик ёрдам ишини такомиллаштириш Миллий Дастури” бўйича таклиф ва мулоҳазалар ҳавола этилди, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2015 йил учун иш режаси белгилаб олинди.

## Ўзбекистонда талабалар учун шароитлар яхшиланмоқда

“Жаҳон” АА нинг хабар беришича, Ўзбекистонда кампуслар сони ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг ўқув театри билан мажмуаси, Наманган муҳандислик-технология институти кенгайиб бормоқда. Шунингдек, Навоий Давлат тоғ-кон институти ҳудудида қурилиш кетмоқда, Термиз ва Урганч Давлат университетларида қурилиш ишлари буткул ниҳоясига етказилди.

Азалдан шундай бўлган эдики,кўпгина олий ўқув юртларининг бинолари шаҳарнинг турли бурчакларида жойлашган эди. Ҳозирда “Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўқув жараёнини тубдан яхшилаш” Дастурига мувофиқ вазият бутунлай ўзгармоқда.

Масалан, бошқа ўқув бинолари ёнида Бухоро муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик ва енгил саноат факультети қад кўтармоқда. Бу эса шу даргоҳнинг ўқитувчи ва талабаларига олий ўқув юртининг инфратузилмасининг барча элементларидан фойдаланишга имкон беради, шунингдек, дарс қолдиришлар, кечикишлар сонининг қисқаришига, умуман олганда эса, ўқув жараёнининг сифатини яхшилашга имкон беради.

Ўзбекистон учун кампуслар хорижий олий ўқув юртлар намунасидаги янгилик эмас. Уларни қуриш тажрибаси мавжуд бўлиб, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, ундан сал кейинги муддатда Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ва бошқа кўплаб олий ўқув юртлари учун қуриб битирилган кампусларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

## Дунёнинг энг йирик вокал танловларидан бири бўлган «Competizionedell’Opera» илк бор Ўзбекистонда ўтмоқда

Бу йирик ва ягона опера беллашуви бўлиб, унда ижрочилар итальян операсини ижро этиш билими ва маҳоратини намойиш этадилар. Иштирокчиларнинг чиқишлари дунё опера театрлари раҳбарлари ҳамда Германия, Австрия, Озарбайжон, Буюк Британия. Россия, Хитой ва Ўзбекистонлик таниқли опера ижрочиларини ўз таркибига олган халқаро ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

Бу йил ушбу танловда Европа, Жанубий Америка, Австралия, Осиёдан ташриф буюрган 60 та ижрочи қатнашади. Ўзбекистон шарафини қирққа яқин истеъдодли ижрочилар ҳимоя қиладилар.

Ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда, 18 ёшдан 30 ёшгача иштирокчилар қатнашиши мумкин бўлган ушбу танловда янги опера истеъдодларини кашф этиш ва уларнинг кейинги ижодий ўсишларига кўмаклашишдир. Халқаро танлов репертуаридан фақат итальян асарлари жой олган, негаки айнан мазкур тил опера ижрочилигида асосий ҳисобланади. Шубҳа йўкки, ушбу воқеа Ўзбекистон маданий ҳаётида аҳамиятли ҳодиса сифатида эътироф қилиниб, ёш истеъдодларни ижодий баркамоллиги учун муҳим омил вазифасини ўтайди.

Ўзбекистонда машҳур «Competizionedell’Opera» танловининг ўтказилиши юртингиздаги ёш опера ижрочилар учун муҳим аҳамият касб этиб, Ўзбекистонни дунёдаги нуфузини янада оширади”.

Ҳайъат аъзолари олдида турли давлатлардан келган 60 та иштирокчининг ижросини тинглашдек вазифа турибди. 25 ноябрь куни танловнинг биринчи тури бошланиб, бунда томошабинлар иштирокчилар орқали буюк итальян мумтоз бастакорларининг асарларидан баҳраманд бўлишади.

Финал иштирокчилари 29 ноябрь куни мамлакатнинг энг муҳташам саҳналаридан бири ҳисобланган “Ўзбекистон” анжуманлар саройида гала-концертда қатнашишади.

Одоб ва ахлоқ туркуми

# «Дабдабали тўй». Бугунги кун мавзуси

**Ассалому Алайкум азиз гуруҳ қатнашчилари. Кўпгина инсонлар талабига биноан бўлиб ўтган бир воқеани бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман (исмлар ўзгартирилди). Бир самарқандлик Қодир исмли акамиз 5 йилдан буён Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида бир тадбиркорнинг пойафзал фирмасида ишлар эканлар. Қодир ака фирма бошлиғи Сергей билан акаукадек бўлиб қолишади. Қодир акани шунчалик ўзига яқин олганидан Сергей унинг ойлигини бошқаларникидан икки баробар ортиқ қилиб тўлар экан.**

Қодир ака Ўзбекистонга келиб тўй бошлабди. Қодир ака никоҳ тўйига бошлиғи Сергейни ҳам чақирибди. Мана, ҳамма орзиқиб кутган дамлар ҳам келди. Қодир аканинг никоҳ тўйида барча яқинлари хозиру нозир.

Тўй жуда дабдабали суратда бошланиб кетди. Россиядан Сергей ҳам Қодир аканинг ҳурмати учун тўйга етиб келди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди. Тўй айни авжига келган дамда даврада ўйнаётган одамлар устидан миллион –миллион пуллар сочилди. Кўп инсонлар ароқнинг берган мастлигидан ҳайвондек қилиқ қила бошлади. Ҳамма шу тариқа хурсадчиликда экан, Сергейнинг асаб толалари узилай деди. Ғазабдан ёниб кетгудек турарди. Чунки унинг кўз ўнгида Қодир уйланиш учун беш йилдан буён юртидан узоқларда қанча қийинчилик ила топган пулини бир кунда сочилиб ҳавога учирилаётгани сира ақлига сиғмасди. Тўй шу тариқа ўз ниҳоясига етди. Одамларнинг баъзилари ҳали бунақа тўй бўлмаган, қойил дейишса, баъзилари шу ҳам тўйми, қараб тур, мен сендан ҳам зўр тўй бераман халққа дея алам ила қалбига ният тугиб кетарди.

Фото: pixland.uz

Сергей Қодир аканинг олдига бориб тахминан шу сўзларни айтди: “Сенга қойил эмасман Қодир. Мен сени бунчалар аҳмоқ деб ўйламагандим. Беш йилдан буён йиққан пулингни бир кунда ўйлаб ўтирмай совуриб юбординг-а? Менинг сенга сўнгги гапим. Мен сени қайтиб Москвада кўрмайин. Эркакча сўзим, агар сени Москвада учратсам, уриб, оёғингни синдираман”,-дея уйни тарк этибди.

Ҳақиқатда, христиан бўлишига қарамай, рус халқи исрофгарчиликни ёмон кўради. Бугунги кунимизда эса биз, мусулмонлар исрофгарчиликда бир биримизни қувиб ўтмоқдамиз. Қодир аканинг тўйига 55 минг АҚШ доллари кетибди. Ахир шундай тўйни кўрган одамлар худди шундай, баъзилари бунданда зўр тўй қилишни истаб қолмайдиларми. Бугунги кунимизда тўйларда қилаётган исрофгарчилигимиз эртага урф-одатга айланса йигитлар эл қатори тўй қиламан деб, Россияда ёзни ёз демай, қишни қиш демай беш йил-олти йил ишлашга мажбур бўлишади, натижада соғлиғидан айрилиб, бир умр азобда ўтишади. Бунга аслида исрофгарчилигимиз сабаб эмасми.

Аллоҳ исрофгарларни ёқтирмайди. Тўйга ароқ қўйиш ҳам энг катта гуноҳ ва исрофгарчиликлардандир. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани одамларга тарқатиб, уларни маст қилиб, бир-бирлари билан уришиб, баъзи ҳолларда қотиллик содир бўлиб, яна барча мастларнинг оғзидан чиққан гуноҳ сўзидан ҳам ароқ тарқатган тўй эгасига гуноҳлари етиб боради. Мусулмонмизми азизлар, мусулмонлардек яшайлик. Мусулмонлардек тўйлар қилайлик. Камтарона тўй қилиб, одамларга ибрат бўлайлик. Одамларга ёмонликни эмас, балки яхшиликни ўргатайлик. Ибрат олувчилар хонадонига Аллоҳ тинчлик, хотиржамлик ва қут-барака берсин.

**Равшан**

Фото: skachat.uz

# Қурилиш

| Тожик тили | Рус тили |
|---|---|
| ман / мо / шумо | я / мы / вы |
| падар / мадар / падару мадар | отец / мать / родители |
| апа (обращение к неизвестной женщине) | сестра (старшая) |
| ака (обращение к неизвестному мужчине) | брат (старший) |
| шавҳар / зан | муж / жена |
| бача / бочагон | ребенок / дети |
| бобо, бобожон / биби, бибижон | дедушка / бабушка |
| рохдар, рохнамо, сардор | руководитель |
| муаллим / талаба | учитель / ученик |
| дўст / меҳмон, хабари | друг / гость |
| шоир / нависанда / наҳҳош, раосом | поэт / писатель / художник |
| рўзноманигор / суратгир | журналист / фотограф |
| донишчуй / олим | студент / ученый |
| духтур | доктор |

Ҳалол магазинлари
Ҳалол Август
технологияси орқали тайёрланган кўп турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини таклиф қилади.

- Мол гўшти, қўй гўшти,
- от гўшти, колбасалар,
- тансиқ таомлар,
- ширинликлар

Ҳалол Август –
бу қоидали ва сифатли гўшт магазинлари

Бизнинг манзил:
Ⓜ «Горьковская» метро бекати, Конный переулок, д. 1.
Ⓜ «Садовая» метро бекати, Московский проспект, д. 4-а.

## «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

**Ҳурматли муштарий!**

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

**«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг.** Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

**Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?**

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

**Фоиз тўловлари-18% йилига!**

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

# Киришга рухсат олишга эришиш

**Аслоншо Шукрихудоев Ўрта Осиёлик муҳожирларга ёрдам бериш Фондига кўмак сўраб мурожаат этди. Мана беш ойдирки у рафиқаси, уч фарзандининг онаси билан учраша олмаяпти. Қуйида Арслоншонинг тарихи келтирилган.**

Аслоншо 2003 йили уйланиб, ўз жуфти ҳалоли билан жуда бахтиёр эди. Аслоншонинг аёли Зулайҳо болаларига жуда ғамхўр ҳамда уйни доим сариштa тутарди. У уй бекаси, Аслоншо эса Россия Федерацияси Қуролли Кучлари сафида 2001 йилдан буён шартнома асосида хизмат қиларди. У Тожикистонда туғилган бўлсада, Россия Федерацияси фуқаролигига эга, хотини Зулайҳо эса Тожикистон фуқаролигига эга эди. Хотининнинг Россия ҳудудида истиқомат қилиши учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириши лозим эди. Ушбу ҳолатдаги биринчи тўлдирилиши лозим бўлган нарса-келиш мақсади кўрсатилган миграция картасидир.

## Юридик маълумот. Миграция картасининг тўлдирилиши

Миграция картаси Россия Федерацияси ҳудудига кириб келувчи хорижий фуқаро ҳақида маълумотларга эга бўлган, шунингдек, унинг ушбу мамлакатда вақтинчалик бўлишини назорат қилувчи ҳужжатдир.

Миграция картасининг Россия Федерацияси ҳудудига кириш ҳамда бўлиш ҳуқуқини берувчи кириш ва чиқиш қисмлари (“А” ва “В” талонлари ) шахсан ҳужжатлар эгаси томонидан тушунарли,тузатиш ва тўғирлашларсиз сиёҳли ёки шарикли авторучкада қора, кўк ёки бинафшаранг сиёҳда тўлдирилади.

Хорижий фуқаро рус тилини билмаган тақдирда у ўзи ҳақидаги маълумотларни паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатига мос равишда лотин алифбоси ҳарфларида тўлдиришига йўл қўйилади.

Миграция картаси ҳар бир хорижий фуқарога унинг ёшидан қатъий назар тўлдирилади.

Миграция карталарининг тўлдирилган кириш қисмлари (“А” талонлари) кириш ҳақидаги белгиланган ёзувлар билан Россия Федерациясига кириш чоғида чегара назорати идораси мансабдор шахслари томонидан олинади. **Эслатиб ўтамиз: ҳозирда бу ишлар чегара назорати идораси хизматчилари томонидан тўлдирилади ва керакли маълумотлар кайд этилган ҳолда қўлга берилади.**

Миграция карталарининг чиқиш қисмлари (“В” талонлари) кириш ҳақидаги белгиланган қайдлар билан хорижий фуқаронинг ўзида Россия Федерациясида бўлишнинг бутун даври давомида сақланиб, Россия Федерациясидан чиқиш чоғида чегара назорати бўлимининг мансабдор шахсига топширилади.

Хорижий фуқаро Россия Федерацияси чегара назорати ўтиш жойига ҳудуддан чиқиш вақтида миграция картасига эга бўлмаган ҳолда келса, унга чегара назорати мансабдор шахси томонидан миграция картасининг тоза бланкининг “В” талонини тўлдириш таклиф этилади. Бунда “Хизматга оид қайдлар” деган жойга шунга мос ёзув амалга оширилади.

Аслоншонинг хотини миграция картасига келиш мақсадини адашиб “иш” дея кўрсатиб юборган. Аммо у уй бекаси бўлганлиги сабабли унга ишга кириш талаб этилмаган ва у ишга жойлашмаган. Бироқ агар миграция картасига келиш мақсади “иш” деб кўрсатилган бўлса, унда фақат ишга рухсатнома мавжуд бўлган ҳолатдагина Россия Федерацияси ҳудудида бўлиш мумкин. Аслоншонинг хотинида эса бундай ҳужжат йўқ эди.

Устига устак, эр-хотин вақтинчалик яшашга рухсатномани ҳам расмийлаштириб олмаганлар. Аслоншо ва унинг хотини расман қайд этилган эр-хотин бўлганликлари сабабли, улар қонунан буни расмийлаштириш учун Федерал Миграция Хизмати Бошқармасига бирга келишлари лозим бўлган. Аслоншо хизматда бўлганлиги сабабли буни амалга ошириш имкони бўлмади.

2014 йилда Аслоншонинг қайнотаси оламдан ўтади. Зулайҳо барча маросимларни ўтказишга Тожикистонга кетади. Ушбу пайтга келиб унинг паспортининг амал қилиш муддати ўтган, ортга самолётда қайтиш маҳали келиб, учишга 20 минут қолганда эса унга Россия Федерациясига кириш 2016 йилгача таъқиқланганлиги маълум бўлади.

Аслоншо Федерал Миграция Хизмати Бошқармасига бир неча бор таъқиқни олишни сўраб мурожаат қилган, аммо 2014 йилнинг июнь ойидан бошлаб Аслоншонинг хотини Россияга кира олмаяпти. Аслоншо Федерал Миграция Хизмати Бошқармасига барча керакли ҳужжатларни тақдим қилишига қарамасдан, у ердан фақат рад жавоблари келмоқда.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам бериш Фонди ҳуқуқшуноси Рустам Атаханов Федерал Миграция Хизмати Бошқармасига Аслоншо Шукрихудоевнинг хотининнинг Россияга қайтиши масаласида қайта мурожаат қилиб, рухсат олишга ҳаракат қилмоқда.

Ушбу воқеа ижобий якун топишини тилаган ҳолда Аслоншога ва унинг рафиқасига муваффақият тилаймиз.

## Вақтинчалик истиқомат қилишга рухсатномани расмийлаштириш

Вақтинчалик истиқомат қилишга рухсатномани расмийлаштириш учун ҳужжатлар Россия Федерацияси ҳудудида қонуний асосда турган хорижий фуқаро томонидан шахсан топширилади.

Мана уларнинг рўйхати:

- вақтинчалик яшашга рухсат беришни сўраб ёзилган ариза-2 нусхада;

-35х45 ўлчамдаги 4 та фотосурат;

- шахсни ва фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат-паспортнинг нотариал тасдиқланган таржимаси (амал қилиш муддати олти ойдан кам бўлмаган);

- миграция картасининг ушбу хорижий фуқаронинг Россия Федерацияси ҳудудига кирганлиги ҳақидаги чегара назорати қайди ёки ҳудудий федерал идора миграцияга оид ижроия ҳокимиятининг ушбу хорижий фуқарога мазкур миграция картасининг берилганлиги ҳақидаги қайд кўрсатилган ҳужжат нусхаси;

- миграция ҳисобига қўйилганлиги ҳақидаги билдиришнома нусхаси;

- вақтинчалик яшашга рухсатнома олиш учун давлат божи тўланганлигининг квитанияси-1000 рубль.

## Келинчак ноласи

***(Уйланиб, келинчакни ташлаб, Россияга кетиб юборган айрим куёв тўраларга тегишли)***

Ҳамма ҳавас қилган эди тўйларимни,
Оппоқ либос ярашган деб бўйларимни,
Барбод қилиб ширин орзу ўйларимни,
Ўн кун ўтмай Россияга кетдингизда.
Меҳрингизга тўймайин зор этдингизда.

Қанча кутдим бир қўнғироқ овозингиз,
Ташна ётдим эшитмоққа садоингиз,
Кутавериб, бўлдимку мен адоингиз,
Мени эмас доллар дея кетдингизда.

Билмас деманг не савдолар бошингизда,
Наташаю Марусялар қошингизда,
Ким жим юрар сиздай йигит ёшингизда,
Кўнгил сезар бағрим пора этдингизда.

Айни ўйнаб яйрайдигон шу чоғимда,
Совуқ кўрпа совуқ ёстиқ қучоғимда,
Меҳр ўти сўниб борар ўчоғимда,
Мени ташлаб фироқларга кетдингизда.

Соғинч ёмон илондайин чақар экан,
Боғбони йўқ гулга ҳамма боқар экан,
Ўзга булбул хониш қилса ёқар экан,
Нима қилай, шунга мажбур этдингизда.

Тафтингизга тўйиб ҳидлай ололмадим,
Сабр косам тўлди, чидай ололмадим,
Нима қилиб қўйдим, энди билолмадим,
Шу кўйларга мени ташлаб кетдингизда.

Орзуларим дунё эди, билмадингиз,
Ойлар кутдим, йиллар ўтди келмадингиз,
Бир бор келиб қучоғимда тўлмадингиз,
Мени ташлаб қийноқларга кетдингизда.

Пешонамни кўп эканми шунча шўри,
Асал ойим енгиб кетди пулни зўри,
Келин эмас уйингизда бўлдим чўри,
Туйғуларим хўрлаб хазон этдингизда.

Сизсиз ётиб, сизсиз тонгда тураманми?
Жўнатасиз доллар, уни кўраманми?
Меҳр керак, пулни бошга ураманми?
Ҳаётимни шу пулларга сотдингизда.
Гулғунчангиз балчиқларга отдингизда...

**Наргиза Мавлонова ижодидан**

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди
Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?
Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда.
Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!
Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:
• Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
• қонуний ишга жойлашишда
• меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
• ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
• ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
• қарз маблағи олишда юридик маслаҳат
Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:
• Рус тили машғулотлари
• маданий ҳордиқ ва хайрия тадбирлари
• илмий семинарлар ва анкуманлар
ФОНД ПОМОЩИ трудовым мигрантам из Средней Азии
Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!
Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)
Телефон: 8 (812) 309-73-06 Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

ФИНАНСОВАЯ СКОРАЯ ПОМОЩЬ
Займы гражданам Узбекистана и Таджикистана от 1000 до 10 000 руб.
Қарз олинг! Ўзбекистон ва Тожикистондан келган меҳнат муҳожирлари учун 1000 дан 10 000 рублгача.
Дарёфти қарзи хурд! Барои муҳоҷирони меҳнатӣ аз Тоҷикистон ва Узбекистон. Аз 1000 то 10 000 рубли русӣ.
Тел.: 715-21-21
м. Пионерская, Богатырский пр., 7
Универсам "Перекресток"

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва реклама бўйича менежер (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига), газета учун рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимон ишга таклиф этилади.
НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:
* рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш; * киришимли; * жамоада ишлай билиш; * самимий, одобли; * компьютерни яхши билиш.
Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.
Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.
Ломоносовская метро бекати. Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Мария Максимычева
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина
Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Юлдуз Ядгарова
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1374. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 27.11.2014, фактическое – 27.11.2014
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Мария Максимычева
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Юлдуз Ядгарова
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриёт уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусҳада. ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1374. Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390.
Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 27.11.2014 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 27.11.2014 соат 18.00